ҚММБ: 10/21/2780-4/1183-сон
21.12.2021 й.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO‘YXATIDAN O‘TKAZILDI
RO‘YXAT RAQAMI: 2780-4
2021 - yil 21 - dekabr

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ**

**ҚАРОРИ**

# Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 49-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 октябрдаги ПҚ–5263-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ва Адлия вазирлиги қарор қилади:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2016 йил 22 апрелдаги 1-2016, 4-сон қарори (рўйхат рақами 2780, 2016 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 172-модда) билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомнинг 49-бандида:

иккинчи хатбошидаги “бир иш куни” деган сўзлар “72 соат” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “бир иш куни” деган сўзлар “72 соат” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2.** Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири**

**Тошкулов А. Х.**

Тошкент ш.
2021 йил 13 декабрь,
45-2021 сон

**Адлия вазири** **Davletov R. K.**

Тошкент ш.
2021 йил, 21 декабрь
3 сон